

8-1-2020

FEATURES OF THE DIVIDEND POLICY OF COMMERCIAL BANKS

R. Kunarov

National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan

J. Buriyev

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kunarov, R. and Buriyev, J. (2020) "FEATURES OF THE DIVIDEND POLICY OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 17.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/17>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Р.Р.Кунаров
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
Ж.П.Бўриев
Тошкент молия институти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маколада тижорат банклари дивиденд сиёсати хусусиятлари ўрганилган. Мунтазам дивиденд сиёсати тижорат банклари учун афзаллик жиҳатлари тадқиқ қилинган. Риск даражасига кўра молиявий активлар даромадлилиги белгиланиш тартиби таҳлил қилинган. Амалга оширилган тадқиқот ва таҳлиллар асосида хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банки, акция, риск, дивиденд, хусусийлаштириш, даромадлилик

ОСОБЕННОСТИ ДИВИДЕНДНОЙ ПОЛИТИКИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

В статье исследуются особенности дивидендной политики коммерческих банков. Были изучены преимущества регулярной дивидендной политики для коммерческих банков. Проанализирован порядок назначения доходности финансовых активов по уровню риска. На основе исследований и анализа были разработаны выводы, научные предложения и практические рекомендации по дивидендной политике банков.

Ключевые слова: коммерческий банк, акции, риск, дивиденды, приватизация, доходность.

FEATURES OF THE DIVIDEND POLICY OF COMMERCIAL BANKS

The article examines the features of the dividend policy of commercial banks. The benefits of a regular dividend policy for commercial banks were explored. The procedure for assigning the return on financial assets by risk level has been analyzed. On the basis of research and analysis, conclusions, scientific proposals and practical recommendations on the dividend policy of banks were developed.

Keywords: commercial bank, stock, risk, dividend, privatization, return

Кириш

Молия бозорининг муҳим институти ҳисобланган тижорат банклари иқтисодиётни молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бир вақтда ўз фаолиятлари узлуксизлиги ва кенгайиб боришлари учун ҳам мунтазам равишда ресурслар жалб қилишлари талаб этилади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса ҳеч бир ресурсга харажатсиз эгалик қилиш имконсиз.

Натижада тижорат банкларининг депозит сиёсати, кредит сиёсати билан бир вақтда дивиденд сиёсати масаласи ҳам алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки тижорат банклари олдида турган капитал етарлилиги билан боғлиқ жиддий талаблар хусусий капитал микдорини ҳам мунтазам ошириб борши заруратини юзага келтирмоқда. Хусусий капиталнинг асосий манбаси

сифатида эса устав капитали кўз олдимизга келади. Ўз навбатида устав капиталини ошириб бориш учун банк акцияларига инвесторларнинг доимий қизиқиши лозим бўлади.

Инвесторлар қизиқиши ошишига сабаб бўлувчи акцияларнинг инвестицион жозибадорлиги масаласи эса кўп жиҳатдан банклар томонидан юритилаётган дивиденд сиёсатига, дивиденд тўловлари даражасига бевосита боғлиқ. Мазкур масала миллий амалиётда тижорат банкларининг доимий диққат-эътиборидаги масала, дея олмаймиз.

2020-2025 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига асосан халқаро молия институтлари кўмагида «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асака» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Туронбанк» АТБдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, бунда биринчи босқичда уларни институционал ўзгартиришни (фаолиятини трансформация қилиш), иккинчи босқичда эса давлат акциялари пакетини сотиш мўлжалланаётган [1] бир вақтда қўйилган вазифанинг самарали ижроси ҳам банклар дивиденд сиёсатига бевосита боғлиқ. Чунки мунтазам дивиденд тўлаб келаётган банклар акциялари шунчалик тез ўз эгаларини топади.

Юқорида келтирилган жиҳатлар асосида қуйида тижорат банклари дивиденд сиёсати айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Дивиденд сиёсати масаласи тадқиқотчилар ва иқтисодчи олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада С.Элмирзаев томонидан дивидендлар иқтисодий моҳияти, оқилона дивиденд сиёсати орқали акциядорлик жамиятлари эришиш мумкин бўлган натижалар, дивидендлар таҳлили масалалари атрофлича тадқиқ қилинган [2].

Н.Шерқўзиева эса акциядорлик жамиятлари молиявий бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ролини тадқиқ қилиб, дивиденд сиёсати бўйича асосий назариялар, дивиденд сиёсати принциплари, дивидендларни эълон қилиш ва тўлаш тартиби кабилар миллий ва халқаро тажриба асосида атрофлича ўрганилган. Бунда тадқиқотчи умумий ҳолда акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини таҳлил қилиб, алоҳида тижорат банклари дивиденд амалиётларига эътибор қаратилмаган [3].

К. Michael Casey, Ross N. Dickensлар тижорат банклари дивиденд сиёсатига меъёрий ҳужжатлар ва солиқларнинг таъсирини баҳолашни амалга оширган бўлиб, бу борада тижорат банклари дивиденд сиёсатининг бошқа соҳа ва тармоқлар субъектлари дивиденд сиёсатига нисбатан фарқли хусусиятларга эга эканлиги қайд этилган [4]. L.Lepetit, C.Meslier, F.Strobel, L.Wardhana банклар дивидендлари, агентлик харажатлари ҳамда акциядорлар ва кредиторлар ҳуқуқлари борасида тадқиқотлар ўтказиб, банкларда дивиденд тўловлари даражасига кредиторлик қарзларидан кўра, агентлик харажатлари жиддий таъсир кўрсатиши аниқланган [5]. Enrico Onali, Ramilya Galiakhmetova, Philip Molyneux Giuseppe Torlucciолар бош директор

ваколатлари, ҳукумат назорати ва банклар дивидендлари ўзаро боғлиқлиги тадқиқ қилинган [6].


Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларининг фаолият самарадорлиги кўп жиҳатдан арзон молиявий ресурслар жалб қилиш ва актив операцияларни амалга ошириш орқали даромадлилик таъминланишига бевосита боғлиқ. Бунда депозитлар ва омонатлар жалб қилиш билан бирга қимматли қоғозлар жойлаштириш орқали капитал жалб қилишни самарали ташкил этиш бугунги банклараро ҳамда молия бозоридаги кескин рақобат шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Қимматли қоғозлар орқали молиявий ресурслар жалб қилиш ҳам худди омонат ва депозитлар каби аниқ харажатларни талаб қилади. Яъни бунда омонатчилар қўйган омонатидан даромадни кутса, инвесторлар қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали маълум бир даромад олишни бош мақсад сифатида қўяди.

Миллий ва халқаро амалиётда тижорат банкларининг акциядорлик жамияти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритишлари уларнинг қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчиси эканлигидан далолат беради. Бизга маълумки, тижорат банклари амалдаги тартиблар асосида қимматли қоғозлар бозорида биринчи навбатда эмитент сифатида, сўнгра инвестор ва воситачи сифатида иштирок этади. Қимматли қоғозлар эмитенти сифатида ҳар қандай акциядорлик жамияти инвесторларни даромад билан таъминлаши лозим.

Акциялар эмитенти сифатида банклар ўз акциядорларига мунтазам равишда дивидендлар тўлаб бориши истиқболда қўшимча акциялар эмиссияси орқали капиталлашув даражасини ошириб боришга, бозордаги нуфузи ошиб боришига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан дивиденд сиёсатиға жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Умумий ҳолда, оқилона дивиденд сиёсати тижорат банклари учун қуйидаги устуворликларға эга бўлишини таъминлайди (1-расм).



1-расм. Оқилон дивиденд сиёсати орқали тижорат банклари эришиши мумкин бўлган устуворликлар¹

Юқоридаги 1-расмда келтирилган оқилон дивиденд сиёсати орқали тижорат банклари эришиши мумкин бўлган устуворликларни қуйидагича кенгроқ асослаш мумкин:

Биринчидан, қарз капитали нисбатан қиммат шароитда мунтазам дивидендлар тўлаб борилиши қўшимча акциялар эмиссияси орқали арзон капитал жалб қилишга имкон беради. Бошқа томондан мунтазам дивиденд қўшимча эмиссия қилинган акцияларни номиналдан юқори нарх диапазонида жойлаштиришга асос бўлиб хизмат қилади ва қўшилган капитал миқдорининг ошиб боришини ҳам таъминлайди. Мазкур жиҳат асосида охир-оқибат молиявий ресурслардан самарали фойдаланилса банкларнинг фаолият доирасининг кенгайишиб боришига эришиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, акциядорлик жамиятлари сифатида тижорат банклари турли манбалардан капитал жалб қилиш имкониятига эга. Бунда барча имкониятлардан самарали фойдаланиш ресурс базалари диверсификация даражасини оширади. Бугунги кунда миллий иқтисодиётда тижорат банклари томонидан барча манбалардан самарали фойдаланилмоқда, дея олмаймиз. Шу нуқтаи назардан қарз манбалари ҳисобланган омонат ва депозитлар жалб қилиш, корпоратив облигациялар жойлаштиришга қўшимча равишда ресурс базаси имкониятларини ошириш нуқтаи назаридан қўшимча акциялар эмиссияси ва уларни очиқ жойлаштириш банклар ресурс базасининг оптималлашувиغا хизмат қилади. Бунинг учун эса дивиденд сиёсатини такомиллаштириш талаб этилади.


¹ Муаллифлар томонидан тузилган.

Учинчидан, банкларнинг оқилона дивиденд сиёсати ва мунтазам ҳар йили дивидендлар тўлаб бориши инвесторлар ва кенг жамоатчилик учун текин реклама вазифасини ўтаб беради. Шунингдек, дивидендлар ҳақида мунтазам эълонлар бозордаги нуфузнинг ҳам мунтазам ошириб бориш ва инвесторларнинг кенг доирадаги қизиқишларига олиб келади. Натижада эса акциялар курсларининг ўсиши ҳам таъминланади.

Тўртинчидан, мунтазам дивидендлар орқали акцияларга бўлган инвесторларнинг қизиқиш доирасини ошириш, ўз навбатида тижорат банклари томонидан ўз акцияларини оммавий жойлаштириш имкониятларини ҳам оширади. Айнан миллий ва халқаро IPO ўтказиш учун акциялар инвестицион жозибадорлиги ниҳоятда муҳим. Бунда эса мунтазам дивидендлар тўлаб бориш бўйича банк сиёсати юритилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бешинчидан, тижорат банки ёки ҳар қандай акциядорлик жамияти томонидан дивиденд тўлаб борилмаса, инвестор томонидан эгаллигидаги акциялардан тезроқ қутилишга ҳаракат қилади. Бундай шароитда фаолиятини кенгайтириш мақсадида бошқа субъектларни, хусусан банкларни қўшиб олишга интиладиган субъектлар учун қулай имконият туғилади. Натижада бирлашишлар ва қўшиб олишлар бозорида бошқа банклар томонидан дивидендларга эътибор қаратмаган банкларни қўшиб олиш амалга оширилиши мумкин. Натижада банк ўз мустақиллигини йўқотади ва қўшиб олувчи банк томонидан ютиб юборилади. Мунтазам дивидендлар эса ҳар қандай қўшиб олишдан ҳимоя вазифасини ўтайди.

Тижорат банклари дивиденд сиёсатида дивиденд тўлаб боришга мунтазам эътибор қаратиш билан бирга инвесторларга тўланадиган акциялар даромадлилик даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки акциялар юқори рискли қимматли қоғоз ҳисобланиши боис тижорат банклари дивиденд даражаси энг аввало омонат ва депозитлар фоиз ставкасидан юқори бўлиши керак. Умумий ҳолда молиявий активлар риск даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда инвесторлар талаби асосида даромадлилик даражасининг ошиб боришини қуйидаги расмда келтириб ўтамыз (2-расм).



2-расм. Риск даражаси ва инвесторлар талаби асосида молиявий активлар даромадлигининг ўсиб бориши²

2-расмдан кўришимиз мумкинки, давлат қимматли қоғозлари молия бозорида инвесторлар учун рисксиз актив вазифасини ўтаб беради. Бунда ўрта ва узоқ муддатли давлат облигациялари ва қисқа муддатли хазина мажбуриятлари даромадлиги тижорат банклари депозитлари, облигациялари бўйича фоизларни белгилашда, шунингдек дивиденд тўловларида асос қилиб олиниши лозим.

Ўз навбатида давлат облигациялари ва хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари ва аҳоли омонатлари, корпоратив облигациялар ўзида мажбуриятни ҳамда қатъий белгиланган даромад асосида муомалада бўлса, имтиёзли акциялар бўйича қатъий мажбурият амал қилмасида, қатъий белгиланган даромад асосида муомалада амал қилади. Шундай шароитда оддий акциялар ўзида мажбуриятни англамаган ҳолда, даромад ҳам кафолатланмаган ҳолда жойлаштирилади. Мазкур ҳолатда акциялар бўйича даромадлилик курсдаги ўсиш ва юқори дивиденд таъминланмаса, инвесторлар ўз-ўзидан ҳар қандай акциядолик жамияти каби, тижорат банки акцияларига ҳам қизиқиш билдирмайди. Бошқа томондан тижорат банкларининг ҳам акциялари курсларининг ўсиши дивиденд даражасига бевосита боғлиқ, эканлигини қайд этиб ўтишимиз лозим.

2020 – 2025 йилларда мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида белгиланган тижорат банкларидаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича давлат улушига эга тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳа офиси ташкил этилди. Ўз навбатида лойиҳа офиси томонидан тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларига маслаҳатчи

² Муаллифлар томонидан тузилган.

сифатида халқаро консултантларни жалб қилиш; тижорат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш масалаларида халқаро молия институтлари ва салоҳиятли хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш каби ҳуқуқлар берилди [1].

Банклар фаолиятида давлат иштироки ва директорлар кенгашида давлат вакили мавжудлиги дивиденд тўловларининг паст бўлишини тажрибалар кўрсатган [6]. Шу боисдан хусусийлаштириш жараёнларини самарали ташкил этиш ва муваффақиятли яқунлаш нуктаи назаридан айна вақтда давлат иштирокидаги тижорат банклари дивиденд сиёсатини қайта кўриб чиқиш, дивиденд тўловлари даражасини ошириб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мазку жиҳат истиқболда маҳаллий инвесторларнинг ҳам банклар акцияларига бўлган қизиқишни кескин оширади ва фонд бозори ривожига ҳам хизмат қилади. Шундан сўнг банклар акцияларини миллий ва халқаро даражада оммавий жойлаштириш ўз-ўзидан муваффақиятли кечишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари дивиденд сиёсатини ташкилий хусусиятларини ўрганиш асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, банклар томонидан мунтазам дивидендлар тўлаб бориши кўшимча акциялар эмиссияси орқали арзон капитал жалб қилиш ва қўшилган капиталга эгалик қилиш, қарз манбалари ҳисобланган омонат ва депозитлар жалб қилиш, корпоратив облигациялар жойлаштиришга кўшимча равишда ресурс базаси имкониятларини ошириш, бозордаги нуфузни ошириб бориш ва дивидендлар ҳақида мунтазам эълонлар орқали инвесторларнинг кенг доирасига кириб бориш, миллий ва халқаро IPO учун инвестицион жозибадорлик нуктаи назаридан жиддий тайёргарлик, бирлашишлар ва қўшиб олишлар бозорида бошқа банклар томонидан қўшиб олинишдан ҳимоялана олиш каби устуворликларга эга бўлишни таъминлайди.

Иккинчидан, тижорат банклари дивидендлар эълон қилишда инфляция даражаси ва бозор даромадлилиги масаласига эътибор қаратиши лозим. Бунда депозит ва облигациялар бўйича даромадлиликдан дивиденд паст бўладиган бўлса банк акциялари жозибадорлиги паст баҳоланишини унутмаслик лозим.

Учинчидан, давлат иштирокидаги тижорат банкларини хусусийлаштириш амалиётини самарали ташкил этиш ва муваффақиятли яқунлаш учун аввало уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш лозим. Бунинг учун эса дивиденд тўловлари мунтазамлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу жиҳат ўз-ўзидан акциялар рекламаси вазифасини ўтаб беради.

Тўртинчидан, тижорат банкларида дивидендлар мунтазамлигига эришилгач, акцияларини миллий ва халқаро даражада оммавий жойлаштириш операцияларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу жараёнда дивидендлар муҳим барометр вазифасини ўтаб беради ва акцияларни муваффақиятли жойлаштириш кафолати бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 йил 12 февраль
2. Элмирзаев С.Э. Дивиденд сиёсати ташкилий хусусиятлари ва такомиллаштириш масалалари. // Халқаро молия ва ҳисоб. №2. 2016 йил.
3. Шерқўзиева Н. Акциядорлик жамиятлари молиявий бошқарув тизимида дивиденд сиёсатининг ўрни. // Халқаро молия ва ҳисоб. №3. 2019 йил.
4. K.Michael Casey, Ross N. Dickens. The effects of tax and regulatory changes on commercial bank dividend policy. // The Quarterly Review of Economics and Finance. Volume 40, Issue 2, Summer 2000, Pages 279-293.
5. L.Lepetit, C.Meslier, F.Strobel, L.Wardhana. Bank dividends, agency costs and shareholder and creditor rights. // International Review of Financial Analysis. Volume 56, March 2018, Pages 93-111.
6. Enrico Onali, Ramilya Galiakhmetova, Philip Molyneux Giuseppe Torluccio. CEO power, government monitoring, and bank dividends. // Journal of Financial Intermediation. Volume 27, July 2016, Pages 89-117